O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 26 январь, № 17 (4932) Сешанба

# ХАЛҚИМИЗНИНГ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида ҳар йили шаҳару қишлоқларимизда кўплаб замонавий иншоотлар, кўркам уй-жойлар барпо этилаётгани шундан далолат беради.*

Уларнинг қурилишида миллий анъаналарга таянган ҳолда, замонавий меъморий ечимлардан оқилона фойдаланилаётгани, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган қурилиш материаллари ва безаклари ўз ўрнида қўлланилаётгани алоҳида диққатга сазовордир.

**Ифтихор**

Таъкидлаш керакки, тизимга хориж инвестицияси изчил жалб этилиб, тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланаётгани натижасида ноёб қурилиш материалларини ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунга Нурота туманидаги "Зафар гранит" масъулияти чекланган жамияти фаолияти яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, бу ерда иморатларни пардозлашда ишлатиладиган безакли тошлар, яъни гранит плиталар ишлаб чиқарилади. Улар сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига тўла жавоб бериши туфайли ички ва ташқи бозорда тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Яқинда Англия, Хитой ва Польша давлатларига 2 миллион АҚШ долларилик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзолангани бунинг исботидир.

Ўтган йили корхона хорижнинг умумий қиймати 1 миллион АҚШ долларилик техника ва ускуналари билан жиҳозланди. Пировардида 75 нафар ёш ишга жалб этилиб, кунига 350-400 квадрат метр экспортбоп маҳсулот тайёрланмоқда.

Қувонарлиси, корхона жамоаси ишлаб чиқариш суръатини янада ошириш мақсадида қўшимча ускуналар ўрнатиш ҳаракатини бошлаб юборди. Улар ишга туширилгач, ишчилар сони 300 нафарга етади ва кунига 3 минг квадрат метр гранит плиталар ишлаб чиқарилади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

***БУХОРО нефтни қайта ишлаш заводи ҳузурида ташкил этилган касаначилик маркази иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ.***

Ҳозир бу ерда 597 киши меҳнат қилмоқда. Қувонарлиси, Ғиждувон ва Шофиркон шаҳарларида ҳам мазкур марказнинг филиаллари ташкил этилди. Бу филиалларда 290 киши касаначилик асосида ишга жалб қилинган. Улар кучи билан ҳозир ойига ўртача 22 турдаги 60 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

Марказ филиалларини кенгайтириш ҳисобига жорий йилда яна 30 нафар касаначини ишга жалб қилиш режалаштирилган.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ТУМАН МАРКАЗИДА ЯНГИ БОЗОР

***АНДИЖОН. Қўрғонтепа туманида 1200 дан ортиқ савдо расталарига эга замонавий буюм бозори ишга туширилди.***

Шунингдек, бу ерда юздан ортиқ савдо дўконлари ҳам фойдаланишга топширилди. Сотувчи ва харидорлар учун барча шароит яратилган мазкур савдо мажмуасини барпо этиш учун тадбиркорлар ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

***ҚАШҚАДАРЁ. Китоб туманидаги қум-шағал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Қурилишсаноатхизмат" масъулияти чекланган жамиятига 65 миллион сўмлик янги техника ва технологиялар олиб келинди.***

Натижада бу ерда тайёрланаётган қурилиш материаллари сифати сезиларли даражада яхшиланди. Шунингдек, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 40 фоизга ўсди.

Айтиш лозимки, корхона жамоаси ўтган йили вилоятдаги қурилиш ташкилотларига 500 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг минтақавий семинари бошланди.***

# ҲОКИМЛАР ЎҚУВИ

Семинарнинг очилишида мазкур академия ректори Қ. Назаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишидек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

**Семинар**

Тараққиётнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилаётган ислоҳотлар тадрижийлиги, босқичма-босқичлиги, чуқур илмий асосланганини, аҳолини аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Бу жиҳатлар миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш, барқарор тараққиётни таъминлаш, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини муттасил ошириб бориш, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия, маънавий-маърифий соҳаларда ўзининг яққол ифодасини топаётир. Айни пайтда барча жабҳалардаги туб ижобий ўзгаришлар халқимиз, айниқса, ёшларнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга муносабати, атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусининг тобора юксалиб бораётгани билан уйғун кечмоқда.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги мураккаб давр маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарларидан долзарб вазифаларни ҳал этиш, ўз билимини муттасил бойитиб, янгилаб, мустаҳкамлаб боришни, қатъиятлилик, ташаббускорлик, фидойилик ва маънавий уйғоқликни талаб этмоқда.

Ўн кун давом этадиган ушбу семинарда тингловчилар давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, «Юксак маънавият —

(Давоми 2-бетда).

# ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

***Парижда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган «Кўп қиррали мамлакат» ва «Муқаддас шаҳарлар» деб номланган икки қисмдан иборат ҳужжатли фильм тақдимоти бўлиб ўтди.***

Тадбирда Франциянинг сиёсий, парламент, ишбилармон, маданий-гуманитар ва эксперт-таҳлилий доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари, хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО вакиллари ҳамда ушбу мамлакатда доимий ёки вақтинчалик истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашди.

Фильм Франциянинг энг йирик давлат телеканали бўлган «France-2»нинг тасвирга олиш гуруҳи томонидан суратга олинган. Телеканалнинг ахборот бозоридаги улуши тахминан 25 фоизни ташкил этади. «France-2» «France Televisions» таркибига кириб, Франциянинг бутун ҳудуди ва Бельгияга, сунъий йўлдош орқали эса дунёнинг барча минтақаларига тарқатилади.

Фильмни тасвирга олиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги ваколатхонаси ва мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ҳамкорлигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги кўмагида амалга оширилди.

Фильмда Ўзбекистоннинг мусулмон дунёсида тутган тарихий роли ва муҳим ўрни, мамлакатда тинчликсевар бағрикенгликка асосланган исломнинг ривожланиши ва ушбу ўлкадаги ислом маданияти, Имом ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд каби кўплаб мутафаккир олимларнинг дунё тамаддуни тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, у томошабинларни мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида тарих, маданият, анъана ва урф-одатларнинг қайта тикланиши, тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни қайта тиклаш ва реконструкция қилиш, 130 дан ортиқ миллат вакиллари орасида тинчлик ва тотувликнинг таъминланганлиги, умуминсоний қадриятлар, хусусан, Ўзбекистон жамиятида бағрикенгликни мустаҳкамлаш сиёсатининг олиб борилгани билан таништиради.

**Дунё нигоҳи**

Фильмда таъкидланганидек, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилиниши ушбу саъй-ҳаракатларнинг эътирофи бўлди.

Фильмнинг кириш қисмида ўзининг геостратегик жойлашуви туфайли Ўзбекистон Марказий Осиёда ҳал қилувчи ўрин тутиши, 2200 йиллик тарихга эга бўлган пойтахт Тошкент шаҳри эса замонавий дунёда муҳим ўринни эгаллагани ва шундай бўлиб келаётгани қайд этилади. Ўзининг бутун тарихи давомида Ўзбекистон турли халқлар ҳамда цивилизацияларнинг савдо ва маданий алоқалари чорраҳасида бўлиб келган. Кўп асрлар давомида турли этник гуруҳлар, маданият ва динларнинг мавжудлиги эса ўзбек халқининг диний жиҳатдан ҳам бағрикенг эканини кўрсатади.

Фильмда Ўзбекистон мусулмон мамлакати саналиши билан бир пайтда дунёвий давлат ҳисобланиши таъкидланади. 28 миллион нафар аҳолининг кўпчилик қисми ислом динининг суннийлик мазҳабига эътиқод қилади, шу билан бирга, мамлакат Конституциясида ушбу юртда яшовчи барча миллатлар вакилларининг эътиқод эркинликлари кафолатланган.

"Собиқ иттифоқ даврида, дея қайд этилади фильмда, Ўзбекистонда дин унутилишга маҳкум этилганди, муқаддас қадамжолар вайрон қилинганди. 1991 йилда мустақилликка эришилганидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатдаги миллий ва диний қадриятларни қайта тиклашга энг устувор вазифа сифатида эътибор қаратди".

Фильмда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби Ўзбекистоннинг афсонавий шаҳарлари, улардаги кўплаб тарихий ва меъморий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм "Буюк Ипак йўли бизнинг идрокимизда ўрта асрлар оламини эслатишидан ўзга нарса эмас, бироқ Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ушбу тасаввурни жонлантиради ва воқеликка айлантиради. Бугунги кунда яратганнинг назари тушган мазкур шаҳарлар мамлакатнинг янгиланиши, Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши, маданий ва диний равнақига ўз улушларини қўшмоқда", деган сўзлар билан якунланади.

Ўзбекистон ҳақидаги фильм намойиши тақдимот иштирокчиларининг ижобий муносабатлари ва қизғин мулоҳазаларини уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

# 8 миллиард сўмлик шартнома

***Жиззах шаҳрида истеъмол товарлари улгуржи савдо-ярмаркаси бўлиб ўтди.***

**Ярмарка**

Икки кун давом этган тадбирда Тошкент, Самарқанд ҳамда вилоятдаги 100 га яқин саноат корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ярмарка давомида маҳсулотлар етказиб бериш бўйича умумий қиймати 8 миллиард 52 миллион сўмликдан зиёд 417 та шартнома имзоланди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚВП:

# МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

***Бугун тиббиёт тизимидаги ислоҳотларнинг кўлами нақадар кенглигини энг чекка қишлоқларимиз ва маҳаллалар, тоғли ҳудудларда қад ростлаган ҳамда керакли жиҳозлар билан мукаммал таъминланган шифо масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллик тантаналарига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек, қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳақида гапирганда, энг ўткир ва долзарб яна бир масаланинг ечими тўғрисида доимо ўйлашимиз табиийдир. У ҳам бўлса, биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу борада ҳам самарали ишлар қилинди.

Мисол тариқасида барча қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион АҚШ доллари бўлган тиббий анжомлар, 44 та "УАЗ" санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминлангани, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилганини айтиш ўринли бўлади. Энг муҳими, йил давомида узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда яшовчи қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўрикдан, 22 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилгани, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаганини қайд этиш керак.

**Ислоҳот**

Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимиз аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, бу ерда замонавий тиббиёт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш, мавжуд шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларни энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш каби муҳим вазифалар ижроси изчил таъминланди. Хусусан, 2009 йилнинг ўзида ҚВПлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу шифо масканларининг моддий-техник ҳолати қайта кўриб чиқилди. Катта ҳажмда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қисқа фурсат ичида ҚВПлар қошида замонавий ва ҳар жиҳатдан қулай бўлган 150 тага яқин дорихона филиаллари ташкил этилди. Аҳамиятлиси шундаки, бу эзгу ишлар давр тақозоси билан эндигина илгари сурилаётган ташаббуслар эмас. Яъни, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ қабул қилинган давлат дастурлари, амалиётга жорий этилган истиқболли лойиҳаларда тиббий ислоҳотларни айнан қишлоқлардан бошлаш эътиборда тутилганди. Негаки, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан зиёди қишлоқларда яшайди. Қишлоқ жойларида эса бир замонлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси мутлақо қониқарсиз аҳволда эди. Яширишнинг ҳожати йўқ, собиқ шўро тузуми даврида қишлоқларда қарор топган омонатгина "Медпункт"лар жуда ночор эди. Беморларнинг тўлақонли даволаниши учун физиотерапевтик ускуналар ва кундузги шифо ўринлари ҳақида-ку, ҳатто, хаёл ҳам қилолмасдик.

(Давоми 2-бетда).

# ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, ушбу лойиҳанинг ташаббускори бўлган **«Исломда ҳаёт» ассоциацияси президенти Шамсуддин Ҳафиз,** Ўзбекистон ҳақидаги фильмни суратга олишда кўрсатган ёрдами учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда турли динлар ва конфессиялар тотувликда турмуш кечиришининг кўп асрлик анъаналарига эга ушбу мамлакатнинг бой маданий-тарихий мероси ҳақида алоҳида тўхталди.

Унинг сўзларига кўра, “Ғарб жамоатчилигида ислом дини араб дунёси билан чамбарчас боғлиқ деган фикр ҳукмрон бўлган бир пайтда, бизнинг мақсадимиз араб давлатлари сарҳадларидан ташқарида ушбу диннинг бор гўзаллиги ва ривожини кўрсатиб, исботлаб беришдан иборат эди. Шу маънода, мисол тариқасида ҳудудида араб-мусулмон олами ва жаҳон тамаддуни ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк файласуфлар, мутафаккирлар ва давлат арбоблари яшаб, ижод этган Ўзбекистон танланди. Ўзбек заминида ислом ҳамиша ўзининг маърифатпарварлиги ва бағрикенглиги билан ажралиб турган, қаерда илм-маърифат бўлса, ўша ерда муваффақиятларга эришилган. Натижада Самарқанд, Бухоро ва Хивадан чиққан буюк даҳоларнинг кўплаб асарлари узоқ йиллар Ғарб таълим тизимининг асоси бўлиб хизмат қилган”.

**«France-2» телеканалининг диний кўрсатувлар бўлими директори Лаура Бодуин** ўз чиқишида, жумладан, қуйидаги мулоҳазаларни қайд этди: “Ушбу фильм туфайли ўзим учун илгари мен билмаган Ўзбекистондек ажойиб мамлакатни кашф этдим. Тасвирга олиш жараёнида биз Франциянинг “Исломда ҳаёт” ассоциацияси билан бирга ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз, олимлар, жамиятнинг турли бўғинлари вакиллари билан муваффақиятли ишладик. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимийлигидан олган таассуротларимиз мароқли бўлди.

Биз ушбу фильмларнинг трансляцияси Франциянинг «France-2» ижтимоий телеканалида амалга оширилиши ушбу мамлакат жамоатчилигига ислом динининг ривожланишида Ўзбекистоннинг тутган муҳим ўрни, ислом маданияти ва дунё тамаддуни тараққиётига ўзбек олимларининг қўшган улкан ҳиссаси ҳақида кўпроқ билиб олишлари имконини беришидан хурсандмиз”.

**«France-2»нинг тасвирга олиш гуруҳи раҳбари Желлул Бегура**нинг айтишича, “Фильмнинг мақсадларидан бири — Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва исломий ёдгорликлари орқали ислом динининг бойлиги ва ранг-баранглигини кўрсатиш эди. Биз Мағриб давлатлари ва Туркия ҳақида шунга ўхшаган дастурлар тайёрлагандик. Ўзбекистонда мени ҳаммасидан ҳам кўпроқ ҳайратга солгани Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби маданият ва санъатнинг буюк арбобларига ўрнатилган ёдгорликлар бўлди.

Мен Ўзбекистонга сафар қилганимдан бениҳоя хурсанд бўлдим. Тошкентга етиб борганимизда бизни жуда илиқ кутиб олишди. Бизни ўзбек халқининг самимийлиги, меҳмондўстлиги ва оддийлиги ўзига мафтун этди. Биз ўзимиз учун қадимий цивилизациялар, тарих ва маданият мавжуд мамлакатни кашф қилдик. Бир мусулмон ва “Дунёда ислом” теледастурига масъул киши сифатида мен учун шонли ўтмиш ва буюк келажакка эга мамлакатда бўлиш ва ишлаш улкан шараф бўлди”, деди Бегура.

**Франция Сенатидаги «Франция — Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи аъзоси, мамлакат Президентининг Марказий Осиё бўйича вакили Амери дэ Монтескью:** “Биз Ўзбекистоннинг тарихий, маданий, илмий ва маънавий мероси ҳақидаги жуда ажойиб фильмни томоша қилдик. Шуни эсдан чиқармаслик жоизки, ушбу мамлакат қадимда йирик диний ва маданий марказ бўлган, бугунги кунда эса, Ўзбекистон ўзбек халқининг феъл-атворига хос тарзда — ташқи дунё учун очиқ, турли динлар вакиллари ўзларининг эътиқодий эҳтиёжларини эркин амалга оширишлари мумкин бўлган мамлакатдир. Мен аминманки, ушбу фильм Ўзбекистон — маданий ва диний ранг-баранглликка эга бўлган очиқ ва дунёвий мамлакат, деган фикрни тасдиқлашга хизмат қилади”, деган мулоҳазаларни билдирди.

Ўз навбатида, **Франциянинг «Самарқанд» агентлиги директори Жан-Пьер Пионелли**нинг фикрича, ушбу фильм ўзбек халқининг ёрқин тарихий ўтмиши, диний бағрикенглиги, ўзига хос меҳмондўстлигини, унинг руҳий қуввати ва олижаноблигини намойиш этади. Ўзбекистон қадимий мамлакат саналади, бироқ бу унинг келажакка интилувчан замонавий давлатга айланишига халал бермайди. Томошабин ушбу мамлакатнинг бойлиги ва гўзаллиги ҳамда ўзбек халқининг илмий, маданий ва диний нуқтаи назардан умуминсоният тамаддунига қўшган ҳиссаси билан танишади.

У шунингдек, “Ўзбекистонда амал қилаётган, бошқаларга ўхшамаган диний бағрикенглик, мўътадил ислом ҳамда бой тарихий ва маданий ўтмиш мазкур мамлакатга францияликларнинг қизиқишини астойдил уйғотишга ёрдам бериши керак”, дея таъкидлади.

**Лилль шаҳри Технология университети профессори Аҳмад Жаббор**нинг сўзларига кўра, “Францияликлар ҳужжатли фильм ижодкорларининг ушбу асари ислом тарихини ўзида мужассам этган нуфузли мусулмон мамлакати саналган Ўзбекистоннинг ислом тамаддунининг вужудга келишида муҳим ўрин тутганини ишонч билан кўрсатади. Шу билан бирга, Ўзбекистон замонавий дунёвий давлат ҳисобланади. Мамлакат дунёвий хусусиятининг диний бағрикенглик билан муваффақиятли уйғунлиги ҳар бир мусулмон давлатининг орзусига айланмоғи керак.

Мен ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, ал-Коший ва Улуғбекка бағишланган кўплаб китобу мақолалар ёзганман. Фильмнинг юқорида санаб ўтилган буюк олимлар ҳаёти ва ижоди, уларнинг умуминсоният маънавияти ва инсонпарварлиги ривожига қўшган ҳиссаси билан боғлиқ ўринлари мени тўлқинлантириб юборди”.

**Франциянинг Темурийлар тарихи ва санъати ассоциацияси бош котиби Фредерик Брессан хоним:** “Барчамиз Ўзбекистон ҳақидаги фильмни катта қизиқиш билан томоша қилдик. Мен фильмда Темурийлар даври ёдгорликларини кўрганимдан ҳамда Алишер Навоий ва бошқа шоирларнинг ғазалларини гўзал тарзда ижро этадиган Муножот Йўлчиева қўшиқларини эшитганимдан хурсандман. Ушбу фильм одамларни Ўзбекистонга боришга ва мазкур ажойиб мамлакатни ўзи учун кашф этишга ундайди”.

**Мексиканинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонаси ходими А. Васкес**нинг фикрича, мамлакат ҳудудида жойлашган ислом динининг ноёб муқаддас қадамжолари сонининг кўплиги Ўзбекистоннинг бутун мусулмон дунёсида тутган ўрни жуда муҳим, дея баҳолаш имконини беради. Маълумки, ўрта асрлардаёқ инсониятга буюк алломалар ва муҳаддисларни ҳадя этган мамлакат ҳудуди нафақат йирик сиёсий ва маданий, балки Шарқнинг таъсир кучига эга бўлган диний маркази ҳам саналган.

Шу билан бир қаторда, мамлакат раҳбарияти томонидан бағрикенглик ва динлараро сабр-тоқатлиликни таъминлаш сиёсатининг олиб борилиши фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг барча ҳудудида православлар, католиклар ва протестантлар черковлари муносиб жойлар билан таъминланиши бунга мисол бўла олади.

Тақдимот иштирокчилари якдиллик билан “Франциянинг марказий оммавий телеканалларидан бирида Ўзбекистон ҳақидаги ҳужжатли фильмнинг намойиш этилиши, том маънода, Европа ва Франция жамоатчилигини ўзбек халқининг маданий ва тарихий мероси ҳамда Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти, мамлакат халқаро нуфузининг ошиши, шунингдек, ушбу ўлкага сайёҳлар оқимининг кўпайишига ёрдам беради”, деган хулосага келишди.

**«Жаҳон» АА.**

# ҲОКИМЛАР ЎҚУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳияти, уларда белгилаб берилган асосий вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашадилар. Ушбу семинарда турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, юксак маънавиятни шакллантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг асосий вазифалари, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги туб ижобий ўзгаришлар, ташқи сиёсат ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор вазифаларига оид маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МУЛКДОРЛАР ШИЖОАТИ

***Истиқлол тадбиркор ва ишбилармонларга кўплаб имкониятлар яратиб берди. Бундан руҳланган мулкдорларимиз шижоат кўрсатиб, меҳнат қилмоқдалар: кимдир янги корхона ташкил этаётир, кимдир мактаб қурмоқда ва яна кимдир маҳалласини обод қилиш билан машғул.***

Уйчи туманидаги Ўнҳаёт шаҳарчаси мулкдорлари ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Кейинги йилларда уларнинг саъй-ҳаракати билан шаҳарча инфратузилмаси тубдан янгиланди. Ҳозир бу ерда замонавий жиҳозлар билан таъминланган учта мактаб, иккита тиббиёт маскани фаолият кўрсатмоқда. Боз устига, улар томонидан барпо этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Табиийки, бу Ўнҳаётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб, аҳоли бандлигини таъминлашда асқотмоқда.

**Интилиш**

Шаҳарчадаги “Намимпекс-текстиль” масъулияти чекланган жамияти — ана шундай истиқболи порлоқ корхоналардан бири. Ҳозир бу ерда 300 нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти. Улар тайёрлаётган ип-калава маҳсулотлари сифатлигини ва арзонлиги боис доимий харидорини топиб улгурди. Тадбиркор Р. Эгамбердиев ишга туширган ғишт заводи эса нафақат ўнҳаётликлар, балки туман аҳолиси ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Чунки бу ерда йилига 3 миллион дона сифатли ғишт тайёрланиб, уй-жой қураётган аҳоли ҳамда қурилиш ташкилотларига арзон нархда етказиб берилаётир. Бундан ташқари, А. Акрамовнинг “Ёрқатай тўқимачи” хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган сержило атлас ва адраслар хотин-қизларга жуда манзур бўлмоқда.

Мулкдорларимиз нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, балки ўзлари яшаб турган кўча ва маҳаллаларни обод, ораста қилишга ҳам бош-қош бўлмоқдалар. Яқинда бир гуруҳ тадбиркорлар бир йўла учта маҳаллада гузар биносини барпо этишди. Бошқа бир тадбиркор К. Ражаббоев ўзининг маҳалласида худди шундай гузарни фойдаланишга топширди. Ушбу иншоот таркибида оталар чойхонаси, алоқа хизмати шохобчаси, сартарошхона ва косиблик устахонаси бўлиб, жами 20 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланди. Тадбиркорлардан яна бири — Ҳ. Отабоев ўзи қурган гузар биносида умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат шохобчаларини ҳамда тикувчилик ўқув марказини ташкил этди. Ҳозир ушбу марказда ён-атрофдан келган 30 нафар қиз чеварлик сирларини ўрганмоқда.

Умуман олганда, мулкдорларимизнинг саъй-ҳаракати билан ўтган йилда 250 дан зиёд янги иш ўринлари яратилдики, бундан аҳолимиз жуда мамнун бўлмоқда.

Мулкдорларимиз нафақат бунёдкорликда, балки ёшлар тарбияси ва миллий қадриятларимиз тарғиботида ҳам бошқаларга намуна бўлишаётир. Хусусан, улар ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Жумладан, улар ҳар йили ўнлаб оилаларнинг тўй ва турли маросимларини ўтказишни ўз зиммасига олишган.

Қисқаси, шаҳарча мулкдорларининг саъй-ҳаракатлари туфайли аҳоли орасида бунёдкорлик, яратувчанлик ҳамда тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат ва ўзгаларга ёрдам қўлини узатиш каби миллий қадриятларимиз сарбаланд бўлиб, янада қадр топмоқда.

**Ғофуржон ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Уйчи туманидаги Ўнҳаёт шаҳарча фуқаролар йиғини раиси.**

**Яхши хабарлар**

***Боёвут туманидаги “Абдулазиз ҳамкортранс” хусусий корхонаси жамоаси йўловчиларга хизмат кўрсатишда янгиликка қўл урди.***

## Тўлов пластик карточкада

Гап шундаки, эндиликда йўлкира ҳақи пластик карточкалар орқали тўланадиган бўлди. Бунинг учун корхона автомобилларига “Микрокредитбанк”нинг терминаллари ўрнатилди. Ушбу қулайлик йўловчиларга манзур бўлмоқда.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Чорвачилик учун дори-дармонлар

***Кармана туманида чорва моллари учун дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “PERFECT PROOF” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

“Микрокредитбанк” ва Халқ банкидан олинган имтиёзли кредитлар асосида фаолиятини бошлаган ушбу жамиятда ҳозир етти турдаги ветеринария препаратлари ишлаб чиқарилмоқда.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 26 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1379,25 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2484,32 |
| 1 Дания кронаси | 289,76 |
| 1 БАА дирҳами | 416,15 |
| 1 АҚШ доллари | 1524,03 |
| 1 Миср фунти | 279,95 |
| 1 Исландия кронаси | 12,02 |
| 1 Канада доллари | 1442,94 |
| 1 Хитой юани | 223,26 |
| 1 Малайзия ринггити | 447,52 |
| 1 Польша злотийси | 529,64 |
| 1 СДР | 2378,90 |
| 1 Туркия лираси | 1026,49 |
| 1 Швейцария франки | 1465,70 |
| 1 ЕВРО | 2205,92 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,28 |
| 10 Япония иенаси | 169,15 |
| 1 Россия рубли | 51,24 |
| 1 Украина гривнаси | 190,27 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

**ҚВП:**

# МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун юртимизда 3164 та қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. Бекиёс ислоҳотлар самараси бўлмиш ҚВПларда эндиликда минглаб малакали умумий амалиёт шифокори фаолият кўрсатаётир. Шу билан бирга, бундай муассасалардаги тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд тиббиёт олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари ва республика ихтисослаштирилган марказларининг қарийб 6300 нафарга яқин профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари иштирокида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Бу ва бошқа кўплаб қулайликлар, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқлар салмоғининг янада ортишига хизмат қилаётир. Бинобарин, кейинги йиллар давомида ҚВПларга мурожаат қилувчиларнинг сони бир неча баробарга ошди. Хусусан, ҳозирда юртимиз бўйича битта ҚВПга кунлик қатнов 68 кишини ташкил қилмоқда. ҚВПларда касалликка ўз вақтида ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда самарали даво усулларини қўллаш такомиллашгани натижасида кейинги пайтда туман ва вилоят шифохоналарида даволанаётган беморлар сони қарийб икки баробарга камайди.

Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон қишлоқларидаги бирламчи тиббий хизмат тизими жаҳон тиббиётида энг ноёб модель ҳисобланади. Чиндан ҳам, мамлакатимизда бу жабҳадаги ишларни янада яхшилаш бўйича узлуксиз чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаяпти. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштиришда халқаро ҳамкорлик имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Япония давлати томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан мамлакатимиз қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани фикримиз тасдиғидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз, тиббиёт ходимларининг кўнгилда ифтихор ҳиссини туйган ҳолда сидқидилдан меҳнат қилишимиз учун энг катта асос, бу — Президентимиз ғамхўрлиги ва эътиборидир. Шундай экан, Юртбошимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар йил сайин ўтказилаверади. Зотан, инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг манфаати, турмушининг ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш доимо диққат-эътиборимиздаги масала бўлиб қолади.

**Дониёр МИРАЗИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдамини ташкил қилиш бош бошқармаси бошлиғи.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ МУҲОФАЗАДА

***Олтинкўл тумани ҳудудидаги Сувюлдуз қишлоғида истиқомат қилувчи Озода Йўлдошева бошқармамизга мурожаат қилди. Унинг аризасида “Водийгазтаъминот” унитар корхонасининг туман бўлими ходимлари табиий газ учун ортиқча ҳақ олганликлари айтилган эди.***

Маълумки, бу йўналишдаги масалалар “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан тартибга солиб келинмоқда. Ана шу ҳужжатлар асосида фуқаро О. Йўлдошеванинг мурожаати бўйича текшириш ўтказилди. Натижада корхона хизматчилари ундан 468,7 минг сўм миқдорида ортиқча ҳақ олганликлари аниқланди. Қайта ҳисоб-китоб қилиниб, истеъмолчининг талаби қондирилди.

Айтиш лозимки, бошқармамиз ходимлари истеъмолчилардан тушган ариза ва шикоятлар ҳамда “Ишонч телефони”га қилинган мурожаатларни синчиклаб ўрганиб, масалани жойида ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бирга, савдо шохобчалари, айниқса, бозорларни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида мониторинглар ўтказиб келинаётир. Эътирозларга сабаб бўлган ҳолатлар таҳлил қилиниб, натижа ва хулосалар ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдим этилмоқда.

2009 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича бошқармамизга 26 та ариза тушди. Уларда кўтарилган масалалар ўрганилиб, 12 нафар истеъмолчига 2 миллион 332,3 минг сўм миқдоридаги маблағ ундириб берилди.

Шунингдек, ўтган даврда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатлар сони 82 тани ташкил этди.

**Жараён**

Жумладан, Андижон туманининг Хартум қишлоғилик А. Мақсудовнинг аризасида ўғлининг Россияга кетаётиб 250 АҚШ доллари миқдоридаги юкни Андижон аэропортининг юк қабул қилиш бўлимига топширганлиги, лекин Москвага боргач, уни ололмаганлиги баён қилинган. Хизматчиларимиз бу масалага ойдинлик киритиш учун текшириш ўтказишди. Ҳақиқат қарор топди, Андижон аэропорти масъул ходимларидан 356,8 минг сўм миқдоридаги маблағ ундириб берилди.

Яна бир мисол. Кейинги вақтда савдо дўконлари ва қолипли нон ишлаб чиқарувчи баъзи корхоналарнинг истеъмолчи манфаатига путур етказаётганлиги хусусида 32 та ариза тушган эди. Ушбу мурожаатлар бўйича ҳам мониторинг ўтказдик. Натижада 9 та ҳолат бўйича қонунбузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Шундан сўнг бошқарманинг махсус комиссияси айбдорларга белгиланган тартибда чора кўрди ва 1 миллион 225 минг сўм маблағ истеъмолчиларга ундириб берилди.

Шу ўринда гоҳо истеъмолчилар ҳам хатоликларга йўл қўяётганликларини айтиб ўтиш жоиз. Бошқача қилиб айтганда, улар харид қилаётган маҳсулотларига чек талаб қилишни тез-тез унутиб туришади. Оқибатда сифатсиз маҳсулот учун сарфланган маблағни қайтариб олиш муаммога айланади. Мисол учун, Андижон шаҳридаги Дукчи Эшон кўчаси, 136-уйда яшовчи Г. Тихонов бозордан мобиль телефон сотиб олади, аммо сотувчидан чек талаб қилмайди. Табиийки, у аппарат носоз эканлигини билгач, ҳақини ундириб олишда муаммога дуч келади.

Ўз навбатида, истеъмолчилар ҳам ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда масъул бўлишлари лозим. Зеро, соҳадаги жараёнларни янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар аҳоли манфаатларини тўла-тўкис таъминлашда дастуриламал бўлаётир. Шу билан бирга, олди-сотди ишларидаги кўзбўямачилик, фирибгарлик каби ҳаракатларга ҳам асосли ғов қўймоқда.

**Л. ЖЎРАЕВ,**
**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг бўлим бошлиғи.**

***Ўзбекистонга Сингапур ишбилармон доиралари делегацияси ташриф буюрди. Мазкур делегация таркибидан ушбу мамлакатнинг Ташқи иқтисодий фаолият бўйича «IE Singapore» давлат агентлиги вакиллари ҳамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг автомобиль бутловчи қисмлари ва электротехника ишлаб чиқаришга ихтисослашган етакчи компаниялари раҳбарлари ўрин олган.***

# СИНГАПУР ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС-МИССИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Сингапур ишбилармонлари миссиясининг ташрифдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқариш бозори билан яқиндан танишиш ва бу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини ўрганишдан иборат бўлди. Ташриф давомида делегация аъзолари қатор вазирлик ва идораларда музокаралар олиб бориб, Тошкент, Самарқанд, Андижон ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарини кўздан кечиришди.

“RIM Polymers” компанияси вице-президенти Жинг Ои Хан Ўзбекистон автомобиль саноатининг жадал ривожланаётганини юқори баҳолади. Унинг сўзларига кўра, Андижон ва Самарқанддаги автомобиль заводлари замонавий жиҳозларга эга, сифат жиҳатидан эса, “Hyundai” ва “KIA” каби компанияларнинг технологияларига яқин.

**“CFM Holdings” компанияси раиси Жанет Лим**нинг таъкидлашича, Сингапур компаниялари учун Ўзбекистон нафақат сармоя киритишга, балки юқори технологияли ускуналар етказиб беришга истиқболли бозор саналади. Унинг айтишича, мазкур йўналиш Сингапур учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам манфаатлидир.

**Ҳамкорлик**

**Сингапур саноат ва савдо вазирлиги қошидаги “IE Singapore” агентлиги вакили Жулия Ли** агентликнинг Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларига оид маълумотни Сингапурнинг бошқа бизнес соҳалари вакиллари орасида ҳам кенгроқ тарғиб этиш борасидаги режалари ҳақида маълум қилди.

— Автомобилсозлик Ўзбекистоннинг жадал суръатларда ривожланаётган саноатидир. Ўзбекистон ҳукуматининг самарали чора-тадбирлари туфайли маҳаллий автосаноат глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларидан унчалик талафот кўрмади. Ушбу факт бизнинг компаниямиз учун муҳим омил бўлди. Ўзаро ҳамкорликка муносабатимиз ниҳоятда ижобий бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ишонамиз.

— Ўзбекистоннинг минтақада географик жиҳатдан қулай жойлашгани ҳамда унинг ривожланган саноати ва бой инсон салоҳияти бизнинг муваффақиятли иш бошлашимизга ишонч бағишлайди, — деди **“DJ Auto” компанияси бошқарувчиси Алвин По.**

Шу ўринда Сингапур ишбилармонлар делегациясининг мамлакатимизга ташрифидан олдин, 2009 йилнинг декабрь ойида Сингапурда Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатининг тараққиётига бағишланган бизнес-семинар ўтказилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Анжуман давомида сингапурлик ишбилармонлар мамлакат автомобиль саноатининг ривожланиши, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит ва шарт-шароитлар билан батафсил таништирилган эди.

**«Жаҳон» АА.**
Сингапур

UZ EX

# Сиз ўз юкингизни Фарғона водийсига хавф-хатарсиз юбориш ёки у ердан олиб келишни бир неча маротабага тезлаштиришни хоҳлайсизми?



## Энди бунинг имкони бор!

## Ангрен шаҳрида «АНГРЕН» халқаро логистика марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

***Барча турдаги хўжалик субъектлари диққатига!***

«Ангрен» халқаро логистик маркази (ХЛМ)ни ташкил этишдан мақсад Фарғона водийсига юкларни ташиш ва у ердан олиб келиш бўйича автотранспорт хизматларини кенгайтириш ҳамда оптималлаштиришдир.

«Ангрен» ХЛМнинг асосий вазифаларига барча турдаги юкларни қабул қилиш ва юклаш ҳамда уларни энг қисқа муддат ичида (5 соатдан 24 соатгача) ва буюртмачига маъқул нархларда автомобиль транспорт (центровоз) орқали Фарғона водийсининг барча вилоятларига етказиб бериш ва олиб келишни ташкил этиш киради. Хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК республиканинг исталган нуқтасидан «Облиқ» (Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри) станциясигача бўлган масофа учун ички республика темир йўллари орқали ташиш тарифларини 50 фоизга қисқартирди. Ушбу юкларнинг кейинги транспортировкаси «Ангрен» ХЛМ орқали амалга оширилади.

«Ангрен» ХЛМ шахсий юк ташиш машиналарининг эгаларини юкларни ташиш бўйича икки томонлама фойдали ҳамкорликка чақиради. Бундан ташқари, марказ Фарғона водийсига йўналтирилган ва у ердан келаётган транзит автотранспортларини қўшимча юк билан таъминлаш имкониятига ҳам эга.

*Лойиҳада биржа омбори сифатида иштирок этмоқчи бўлган корхоналар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:*

- *юкларнинг юқори даражада ҳимояланганлиги ва сақланиши;*
- *тегишли инфратузилманинг мавжудлиги (автомобиль ва темир йўл шохобча йўллари, автотарози, юкларни ортиш ва тушириш механизмлари, тажрибали ходимлар).*

**«Ангрен» ХЛМнинг диспетчер хизмати юк ташиш машиналарининг буюртмаларига асосан, дам олиш ва байрам кунларисиз, кечаю кундуз сизнинг хизматингизда.**

# Алоқа учун телефонлар: (8-595) 170-70-73, 170-70-64.

Юкларни ташиш масаласи бўйича барча маълумотларни («Ангрен» ХЛМнинг диспетчер хизматидан ташқари) ЎзРТХБнинг филиаллари ва савдо майдончаларининг қуйидаги телефонлари орқали олиш мумкин:

## ЎзРТХБ филиаллари

| Филиал | Вилоят коди | Телефон рақами |
|---|---|---|
| Нукус | 8361-2 | 23-26-83 |
| Фарғона | 8373-2 | 24-75-04, 24-30-85 |
| Жиззах | 8372-2 | 23-69-21, 23-61-20 |
| Андижон | 8374-2 | 24-85-36 |
| Бухоро | 8365-2 | 23-18-18, 23-10-55 |
| Қарши | 8375-2 | 21-01-10, 21-03-10 |

| Филиал | Вилоят коди | Телефон рақами |
|---|---|---|
| Навоий | 8436-2 | 23-66-47, 23-76-17 |
| Наманган | 8369-2 | 32-79-05, 32-05-89 |
| Самарқанд | 8366-2 | 30-14-63, 31-17-66 |
| Гулистон | 8367-2 | 25-16-44, 25-06-55 |
| Термиз | 8376 | 595-55-57 |
| Урганч | 8362-2 | 26-34-29, 24-20-08 |

| № | ЎзРТХБ савдо майдончаларининг телефонлари | |
|---|---|---|
| | Вилоят коди | Телефон рақами |
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | |
| 25 | 8-361 | 532-37-11 |
| 43 | 8-361 | 554-11-57 |
| 45 | 8-590 | 719-05-26 |
| 46 | 8-361 | 223-40-72 |
| 65 | 8-361 | 585-15-00 |
| 73 | 8-361 | 222-13-95 |
| 84 | 8-361 | 524-11-41 |
| 87 | 8-361 | 532-37-11 |
| 134 | 8-361 | 585-25-17 |
| 160 | 8-361 | 220-60-00 |
| 167 | 8-361 | 532-45-99 |
| 260 | 8-361 | 298-52-52 |
| 298 | 8-361 | 223-40-72 |
| 303 | 8-361 | 355-30-00, 352-32-03 |
| 312 | 8-361 | 601-15-65 |
| 340 | 8-361 | 577-52-02 |
| 366 | 8-361 | 324-54-05 |
| | **Андижон вилояти** | |
| 16 | +99874 | 261-05-76 |
| 17 | 8-374 | 50-15-76 |
| 18 | 8-374 | 75-07-46 |
| 94 | 8-374 | 225-69-55 |
| 116 | 8-374 | 224-64-24 |
| 139 | +99874 | 971-43-35 |
| 195 | 8-374 | 224-63-56 |
| 203 | 8-374 | 259-08-37 |
| 264 | +99874 | 978-33-54 |
| 280 | 8-374 | 298-11-06 |
| 299 | 8-374 | 233-16-30 |
| 345 | 8-374 | 254-96-35 |
| 367 | 8-374 | 224-19-77 |
| 403 | 8-374 | 225-20-95 |
| | **Бухоро вилояти** | |
| 22 | 8-365 | 191-88-72 |
| 23 | 8-365 | 342-20-34 |
| 236 | 8-365 | 222-92-00 |
| 32 | 8-365 | 745-86-97 |
| 50 | 8-365 | 35-31-164 |
| 58 | 8-365 | 56-51-626 |
| 83 | 8-365 | 57-25-035 |
| 90 | 8-365 | 223-03-27 |
| 112 | 8-365 | 56-57-536 |
| 136 | 8-365 | 582-24-33 |
| 143 | 8-365 | 191-37-89 |
| 145 | 8-365 | 274-22-27 |
| 166 | 8-365 | 718-68-33 |

| № | ЎзРТХБ савдо майдончаларининг телефонлари | |
|---|---|---|
| | Вилоят коди | Телефон рақами |
| 278 | 8-365 | 223-59-40 |
| 318 | 8-365 | 572-23-94 |
| 333 | 8-365 | 54-24-00 |
| | **Қашқадарё вилояти** | |
| 8 | 8-375 | 522-97-17 |
| 21 | 8-375 | 522-40-83 |
| 89 | 8-375 | 112-70-66 |
| 95 | 8-375 | 522-78-28 |
| 96 | 8-375 | 542-51-85 |
| 100 | 8-375 | 771-11-04 |
| 127 | 8-375 | 221-15-69 |
| 144 | 8-375 | 529-20-20 |
| 149 | +99875 | 562-10-21 |
| 154 | 8-375 | 522-74-99 |
| 171 | 8-375 | 275-45-53 |
| 198 | 8-375 | 221-15-98 |
| 209 | 8-375 | 528-79-32 |
| 219 | 8-375 | 227-18-11 |
| 272 | 8-375 | 582-22-31 |
| 306 | +99875 | 112-42-24 |
| 335 | +99875 | 229 63 92 |
| 339 | 8-375 | 54-26-321 |
| 350 | +99875 | 582-29-66 |
| 359 | 8-375 | 483-41-32 |
| 374 | 8-375 | 111-35-10 |
| 390 | 8-375 | 592-23-81 |
| | **Навоий вилояти** | |
| 51 | 8-436 | 573-56-19 |
| 52 | 8-436 | 555-37-17 |
| 53 | 8-436 | 545-37-29 |
| 132 | 8-436 | 221-77-27 |
| 225 | 8-436 | 603-08-91 |
| 310 | 8-436 | 223-69-90, 224-05-92 |
| 381 | 8-436 | 555-33-99 |
| | **Жиззах вилояти** | |
| 30 | 8-372 | 364-75-93 |
| 38 | 8-372 | 226-73-11 |
| 182 | 8-372 | 226-46-16 |
| 199 | 8-372 | 595-56-66 |
| 388 | 8-372 | 948-66-33 |
| | **Наманган вилояти** | |
| 37 | 8-369 | 271-19-49 |
| 105 | 8-369 | 632-38-07 |
| 107 | 8-369 | 226-61-00 |

| № | ЎзРТХБ савдо майдончаларининг телефонлари | |
|---|---|---|
| | Вилоят коди | Телефон рақами |
| 163 | 8-369 | 226-10-12 |
| 173 | 8-369 | 226-36-51, 677-19-92 |
| 204 | 8-369 | 271-19-90 |
| 270 | 8-369 | 271-38-30 |
| 271 | +99893 | 915-35-45 |
| 302 | 8-369 | 250-00-53 |
| 348 | 8-369 | 226-15-42 |
| 378 | 8-369 | 47-21-127 |
| 393 | 8-369 | 256-66-68 |
| 402 | 8-369 | 226-28-42 |
| | **Самарқанд вилояти** | |
| 24 | 8-366 | 210-01-62 |
| 27 | 8-366 | 629-14-90 |
| 48 | 8-366 | 455-22-36 |
| 60 | 8-366 | 222-45-96 |
| 97 | 8-366 | 34-85-85 |
| 128 | 8-366 | 234-20-04, 234-23-72 |
| 218 | 8-366 | 455-22-21 |
| 266 | 8-366 | 234-10-15 |
| 311 | 8-366 | 414-14-31 |
| 369 | +99866 | 217-46-45 |
| 375 | 8-366 | 237-35-97 |
| 396 | 8-366 | 396-84-09 |
| | **Сирдарё вилояти** | |
| 36 | 8-367 | 221-11-04 |
| 315 | +99867 | 278-40-09 |
| | **Сурхондарё вилояти** | |
| 19 | +99876 | 242-22-36 |
| 49 | 8-376 | 18-010 |
| 72 | 8-376 | 43-22-538 |
| 137 | 8-376 | 227-24-58 |
| 165 | 8-376 | 41-15-541 |
| 216 | +99876 | 394-68-99 |
| 241 | 8-376 | 43-23-388, 522-07-01 |
| 269 | 8-376 | 53-535 |
| 327 | +99876 | 419-35-95 |
| 353 | 8-376 | 249-21-74 |
| 356 | 8-376 | 335-52-722 |
| | **Фарғона вилояти** | |
| 10 | 8-373 | 553-58-71 |
| 11 | 8-373 | 227-661-31 |

| № | ЎзРТХБ савдо майдончаларининг телефонлари | |
|---|---|---|
| | Вилоят коди | Телефон рақами |
| 13 | 8-373 | 552-58-06, 552-43-97 |
| 61 | 8-590 | 272-01-48 |
| 74 | 2-373 | 2230-88-87 |
| 88 | 8-373 | 432-02-85, 279-89-42 |
| 138 | +99890 | 567-98-67 |
| 151 | 8-373 | 373-37-07 |
| 177 | 8-373 | 555-91-19 |
| 222 | 8-373 | 553-64-04 |
| 262 | 8-373 | 315-13-40 |
| 265 | 8-373 | 225-19-94 |
| 274 | 8-373 | 91-475 |
| 349 | 8-373 | 224-64-54 |
| 354 | 8-373 | 554-40-89 |
| 377 | 8-373 | 500-52-77, 500-09-20 |
| 385 | +99873 | 224-84-80, 214-34-14 |
| | **Хоразм вилояти** | |
| 42 | 8-362 | 332-46-35 |
| 185 | 8-362 | 511-29-96 |
| 187 | 8-362 | 517-30-72 |
| 213 | 8-362 | 513-93-39 |
| 301 | 8-362 | 365-10-15 |
| 309 | 8-362 | 39-91-653 |
| 322 | 8-362 | 514-41-55 |
| 387 | 8-362 | 31-52-657, 31-51-223 |
| | **Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти** | |
| 1 | 8-371 | 244-84-02 |
| 7 | 8-371 | 139-19-86 |
| 44 | 8-371 | 233-40-64, 234-24-18 |
| 85 | 8-370 | 912-27-55 |
| 103 | 8-261 | 2-30-52 |
| 110 | 8-371 | 244-90-81 |
| 197 | 8-37071 | 72-251 |
| 217 | 8-371 | 291-40-11 |
| 237 | 8-370 | 552-10-98 |
| 313 | 8-371 | 295-02-25 |
| 323 | 8-598 | 126-30-66 |
| 344 | 8-370 | 55-21-098 |
| 361 | 8-371 | 254-03-32 |
| 372 | 8-370 | 645-29-32 |
| 400 | +99871 | 252-58-90 |

46R/79

***Ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мустақил давлатимизнинг муҳим стратегик вазифаларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлдаги "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғриси-да"ги қарори жамиятимиз истиқболи йўлида ташланган яна бир салмоқли қадам бўлди.***

# ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ҳа, она ва бола саломатлиги доимо давлат ҳамда жамият эътиборида. Шу туфайли аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш, самарадорлигини ошириш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланган.

Табиийки, оиланинг мустаҳкамлиги кўпгина омилларга, энг аввало, она ва боланинг саломатлигига боғлиқ. Она соғлом бўлсагина, ундан жисмоний ва ақлий жиҳатдан дуркун фарзанд дунёга келади. Шу боис болалик, ўсмирлик давриданоқ аёлнинг репродуктив саломатлигига аҳамият бериш масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Вилоят адлия бошқармаси ФҲДЁ органлари билан биргаликда чекка туманларда яшовчи аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом оилани шакллантириш, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, оила муқаддаслиги ҳақида учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар олиб бормоқда. Ўтган йили 155 дан ортиқ давра суҳбати, 80 га яқин учрашув, 50 марта бевосита ва билвосита мулоқот ўтказилди.

Чекка ҳудудлардаги хотин-қизлар қўмиталари, соғлиқни сақлаш ходимлари, маҳалла жамғармаси вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилаётган бу тадбирлар оила муносабатлари, қариндошлар ўртасида туғилган фарзандларнинг келажаги, соғлиғи каби мавзуларга бағишланмоқда. Бу учрашувларнинг муҳим жиҳати шундаки, барча ташвиқотлар аҳолига содда ва тушунарли тарзда, ҳаётий мисоллар асосида кўргазмали буклетлар, тасвирий ҳамда техник воситалар ёрдамида олиб борилаётир.

ФҲДЁ бўлимлари эрта, шунингдек, қариндош-уруғлар ўртасида тузилаётган никоҳларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда кенг жамоатчилик ишини йўлга қўйган. Қариндошлар ўртасида никоҳлар тузилаётганидан хабардор бўлинган ҳолларда зудлик билан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда унинг салбий оқибатлари, келажакда фарзандлар соғлиғига таъсири борасида наинки ёшлар, балки ота-оналари ўртасида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ана шундай фаол ташвиқотлар натижасида Жиззах шаҳри, Арнасой, Дўстлик, Фориш, Жиззах туманлари ФҲДЁ бўлимлари томонидан 6 та эрта никоҳнинг олди олинди.

Кейинги пайтларда никоҳгача

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

тиббий кўрикнинг келажак авлод учун аҳамиятлилиги хусусида тушунтириш ишлари кенг йўлга қўйилган. Зеро, эндиликда Оила кодексининг 17-моддасига киритилган ўзгартишлар туфайли никоҳгача тиббий кўрикдан ўтиш мажбурийлиги таъминланди.

Никоҳланувчи шахсларнинг аризаларига мувофиқ, уларга тиббий кўрикка йўлланмалар берилади ва улар яшаб турган ҳудудига қараб, тиббий кўрикдан ўтадилар. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан сифатли ўтишларини таъминлаш ва касалликлар аниқланган тақдирда уларни даволаш чораларини кўриш ишлари ҳам қатъий назорат остига олинган. Вилоят адлия бошқармаси ФҲДЁ органлари соғлиқни сақлаш тизими билан ҳамкорликда тиббий кўрикдан ўтганларнинг ҳисобини юритиш, солиштириш ва мониторинг ишлари йўлга қўйилди. ФҲДЁ органлари ҳар ойнинг сўнгида ушбу таҳлилларни адлия бошқармасига тақдим этиб боради. Ўтган йили барча ФҲДЁ органи томонидан тўққиз мингга яқин никоҳ қайд этилган. 17508 нафар фуқарога тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилган.



Баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кунда умуммиллий вазифага айланди. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар режасини янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ қайта кўриб чиқдик. Жумладан, соғлом оила қуриш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш масалаларини тизимли асосда юритиш учун ФҲДЁ органлари туман хотин-қизлар қўмиталари, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бўлимлари, маҳалла жамғармалари билан ҳамкорликда алоҳида режа ишлаб чиқишди. Режа асосида эса "Ёш оила қурувчилар мактаблари"ни ташкил этдик. Айни вақтда бу мактаб жойлардаги ўрта-махсус ва касб-ҳунар коллежлари 3-босқич ўқувчилари билан ҳар ойда бир маротаба суҳбат уюштирмоқда. Бундан мақсад, энг аввало, коллеж ўқувчиларининг ҳуқуқий онгини ўстириш, уларга оила қонунчилиги, унинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзи борасида етарли маълумотларни бериш, қолаверса, ёшларга оила жамиятнинг таянч устуни эканлигини тушунтиришдан иборатдир. Бундай суҳбатлар вилоятдаги 78 та коллежнинг деярли барчасида ўтказилди.

**Б**у хайрли тадбирларимиз янги йилда янада қизғин тус олиши, табиий. Болалар ва ўсмирларни ҳар жиҳатдан чиниқтириш, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш фаолиятимиздаги бирламчи вазифа бўлиб қолаверади. Келажакда соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилувчи, болалар ва ўсмирларни фаол жисмоний тарбия машғулотларига қизиқтиришни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ишлари давом этади.

**Ш. ҲАҚНАЗАРОВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.**

## Ижтимоий ҳимоя

***Ромитанлик Фазолат Ёқубова, оз эмас, кўп эмас, ўттиз уч йил ҳамширалик қилди. Беморлардан ёрдамини, ширин сўзини аямади. Аммо дард дегани сўрамай келар экан. Пенсияга чиқиб, набиралар даврасида кексалик даврини сураётган паллада касалликка чалинди. Оёқлари ишламай қолди. Мана, беш йилдирки, биринчи гуруҳ ногирони. Бироқ опа ҳаётидан нолимайди. Ўғил-келинлари, набиралари атрофида парвона.***

# САХОВАТНИНГ САВОБИ

Ўзи билан бирга ишлаган ҳамкасблари, қўни-қўшнилари тез-тез йўқлаб туришади. Кўнглини кўтаришади. Шундай дамларда Фазолат опа хасталигини унутгандек бўлади. Ўзининг ёлғиз эмаслигини, ҳали дунёдан умиди катта эканини ҳис этади. Яқинда унинг бир ташвиши енгиллашди. Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан опага ногиронлик аравачаси ҳадя этилди. Бу мурувватдан у бениҳоя хурсанд. "Энди ҳовлига чиқиб бемалол сайр қиламан, қўни-қўшнилар билан янада яқинроқ дийдорлашиб тура оламан", дейди Фазолат опа.

Туман ижтимоий таъминот бўлими ўтган йили 16 нафар ногиронга ана шундай қулайлик яратиб берди. Уларга таянма аравачалар ажратилди. Ўн нафар ногирон эса эшитиш мосламасига эга бўлди. Кўплаб эҳтиёжмандларга ҳасса, қўлтиқтаёқ берилди. Қирқ нафардан зиёд ногирон эса мамлакатимиздаги энг сўлим сиҳатгоҳларда даволаниб, соғлиқларини мустаҳкамлади. Ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатувчи бу каби далилларни исталган шаҳар ва туман мисолида келтириш мумкин.

Шуниси диққатга моликки, ногиронлар, эҳтиёжманд фуқаролар, боқувчисини йўқотган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатишдек савоб ишга бутун жамоатчилик ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу жараёнда, хусусан, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг ўрни катта бўлаётир.

— Кейинги йилларда "Бандлик" дастури доирасида кенг қамровли ишлар олиб бораяпмиз, — дейди жамғарма вилоят бўлими раиси Беҳбуд Жумаев. — Масалан, ўтган йилда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган 90 та оилага жамғарма маблағлари ҳисобидан қорамол олиб берилди ва меҳнат дафтарчалари очилди. Шунингдек, ҳомийлар ҳисобидан ҳам эҳтиёжманд фуқароларга 65 бош қорамол ажратилди. Жойларда ўзини-ўзи бошқариш органлари ташкилотчилигида кам таъминланган оила фарзандларининг 56 нафари суннат тўйи, 36 нафар ёшнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Шу мақсадлар учун жамғарма ва ҳомийлар ҳисобидан 42 миллион 800 минг сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, Мустақиллик байрами муносабати билан ташкил этиладиган ва яхши анъанага айланиб улгурган "Маҳалла тўйлари"да 95 нафар ёшнинг хатна ва никоҳ тўйи ўтказилди. Биз бу каби эзгу юмушлар қамровини янада кенгайтириш ниятидамиз.

**Х**алқимизда "Олтин олма — дуо ол" деган нақл бежиз айтилмаган. "Барча қилинадиган ишлар ниятга боғлиқдир" дейилади ҳадисларнинг бирида. Чиндан ҳам, инсон ниятига ярашасини олади. Шундай экан, ниятни пок тутиб, ўксик дилларга малҳам бўлайлик.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

***Эркин кураш билан шуғуллана бошлаганимга ўн беш йилдан ошди. Устозларим Нурлан Жақсилиқов ва Маъмуржон Рўзиев бошчилигида олиб борилган машғулотлар самараси ўлароқ, икки карра жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари ғолиби бўлдим.***

# ВАТАННИ ШАРАФЛАШ БАХТИ

Мен учун энг ёдда қолган мусобақалардан бири бундан тўрт йил муқаддам Венгрия пойтахти Будапештда ўтган жаҳон чемпионати бўлди. Унда дунёнинг 137 мамлакатидан келган полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Ўшанда чемпионатнинг финал учрашувини Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге бевосита кузатиб борганди. Албатта, гиламга чиқишдан олдин ортингизда бутун халқингиз, яқинларингиз кузатиб турганлигини ҳис қила олсангиз, руҳингизга руҳ, билагингизга эса куч қўшиларкан. Бундай пайтда сизни ҳеч ким тўхтата олмайди. Финалда болгариялик номдор полвон Радислав Великов-Мариновни соф ғалаба (3:0) билан мағлубиятга учратдим. Мутахассислар бу ғалабамни юқори баҳолашди. Муваффақиятим шарафига Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграган пайтдаги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаш қийин.

## Дил сўзи

2003 йили АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ғалаба қозонишим ҳам осон бўлмаганди. Ўшанда мусобақаларда 55 килограмм вазн тоифасида иштирок этардим.

2009 йил Дания давлати мезбонлик қилган навбатдаги жаҳон чемпионатида 60 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар орасида ўз омадимни синаб кўрдим. Ярим финалгача бўлган баҳсларда хитойлик Ксюкуан Линг, Жанубий кореялик Сеунг Чул Ли, кубалик Перез Гонсалес ва японялик Шого Маедани мағлубиятга учратдим. Аммо оралиқ босқичда рақибимга ютқазиб қўйиб, бу сафар бронза медали билан кифояланишга мажбур бўлдим. Эркин кураш бўйича Заурбек Сохиев (84 кг.) олтин, юнон-рум курашида эса Дилшод Орипов (60 кг.) бронза медали билан тақдирланди.

Жаҳон биринчилигидан қайтарканмиз, "Тошкент" халқаро аэропортида бизни катта тантана билан кутиб олишди. Президентимиз Фармонига кўра, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирландим. Ўз навбатида, Юртбошимизнинг бу эътиборига спортда янада юксак чўққиларни забт этиш орқали жавоб бермоқчиман.

Яна бир гап. Агар биз эришаётган муваффақиятлар спорт оламига эндигина кириб келаётган жажжи укаларимиз ва сингилларимиз қалбида қандайдир иштиёқ, чексиз ҳавас уйғотган бўлса, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз. Чунки мамлакатимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Барча вилоятларда муҳташам спорт мажмуалари қад ростламоқда. Уларда тарбияланаётган ёшларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ғалабага интилишини шакллантиришда эса мавжуд шароитлар билан бирга, ғолиб спортчиларнинг турткиси ҳам катта бўлади. Шу жиҳатдан биз ўзимизни икки карра масъулиятли, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозир бутун эътиборимни 2012 йили Лондон шаҳрида бўладиган ХХХ ёзги Олимпиада ўйинларига қаратганман. Насиб этса, Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини юксакларга кўтарамиз.

**Дилшод МАНСУРОВ,**
**эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони.**

# ИҚТИДОР, ЭЪТИБОР, НАТИЖА

***Юртимизда спортни ривожлантириш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Бунда, табиийки, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.***

**Ч**унки мазкур жамғарма иштирокида жойларда барпо этилаётган бири-биридан кўркам спорт иншоотлари эртамиз эгаларининг жисмонан ва маънан комил инсон бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этаётир. Биргина вилоятимиз мисолида айтадиган бўлсак, кейинги йилларда 91 та ана шундай мажмуа фойдаланишга топширилди. Уларда минглаб ёшлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Спортни оммалаштиришда нафақат шаҳар ёки туман марказлари, балки олис қишлоқларга ҳам бирдек эътибор қаратилаяпти. Натижада чекка ҳудудларда ҳам замон талабларига жавоб берадиган спорт мажмуалари қад ростламоқда. Уларда яратилган шарт-шароитларга ҳар қандай кишининг ҳаваси келади. Бу, айнан, болалар қалбида шу соҳага меҳр уйғотмоқда. Эътиборли жиҳати, фарзандларимизга хизмат қилувчи бундай иншоотлар йил сайин кўпаймоқда. Масалан, 2009 йилнинг ўзида Наманган вилоятида битта ТИП-V лойиҳаси асосида муҳташам спорт мажмуаси, 12 та умумтаълим мактабида эса спорт заллари қурилиб, ишга туширилди, битта сузиш ҳавзаси мукаммал таъмирдан чиқарилди. Мазкур юмушлар учун йўналтирилган 2 миллиард 434 миллион сўм маблағнинг 1 миллиард 119 миллион сўми республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳиссасига тўғри келади.

Барпо этилган спорт иншоотларига қарийб 200 миллион сўмлик тренажёрлар, волейбол, баскетбол, гандбол тўплари, гимнастика машқларига мўлжалланган анжомлар топширилди. Бундан ташқари, вилоятимиздаги 680 та умумтаълим мактабига 1316 дона стол тенниси жиҳозлари етказиб берилди. Энг муҳими, бугунги кунда вилоятимиздаги спорт иншоотларида ташкил этилган 200 дан ортиқ секцияларда 10 минг нафардан зиёд болалар мунтазам шуғулланаётган бўлса, 132 минг нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар дарсдан бўш вақтларини жисмоний етуклик машғулотлари билан ўтказмоқдалар. Бу спортнинг янада оммавийлашаётганига ёрқин мисолдир. Шуниси қувонарлики, ёшларимиз орасида ўзига хос иқтидорга эга бўлган ўғил-қизлар ҳам анчагина. Улар маҳоратларини сайқаллаштириб, нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Табиийки, жамғарма уларга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Жумладан, янгиқўрғонлик волейболчи қизларнинг Германия, байдаркада эшкак эшиш жамоасининг Греция, стол теннисчиларининг Латвия, баскетболчи қизларнинг Қозоғистондаги халқаро турнирларда иштирок этишида жамғарма бош-қош бўлди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда қилган маърузасида 2010 йилни "Баркамол авлод йили", деб эълон қилдилар. Шу муносабат билан қабул қилинадиган дастурда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошланган катта ишларимизни ҳеч сусайтирмасдан давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олиши керак, деб алоҳида таъкидладилар.

**Д**емакки, келажагимиз эгаларининг жисмоний ва маънавий етуклигини таъминлаш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар бундан кейин ҳам изчил давом этаверади.

**Ибодилла ЖАББОРОВ,**
**Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Наманган вилояти филиали директори.**



# ОБ-ҲАВО

**(26 январь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида эса тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 2-7 даража илиқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 1-3 даража илиқ, кундузи 12-14 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

ЎЗ СТЕНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ!
Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг 113 01 80
ufi Approved Event
UzBuild 9–12 март 2010
«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ», ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН
11-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ
«ҚУРИЛИШ»
• ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ
• ИСИТИШ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ
• ДЕРАЗАЛАР, ЭШИКЛАР, ФАСАДЛАР
• КЕРАМИКА ВА ПАРДОЗЛАШ ТОШЛАРИ
• ЛАНДШАФТ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ
• ИНТЕРЬЕР ВА ДИЗАЙН
• МЕБЕЛЬ
• МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
Ташкилотчи: ITE UZBEKISTAN
Ўзбекистон, 100015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 20.
Телефон: +(998 71) 113-01-80, факс: +(998 71) 252-51-64.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, web: www.ite-uzbekistan.uz
www.uzbuild.uz
ufi Member
33R/59

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
02

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Электроника ва микроэлектроника кафедраси доценти Олмос Сатторовга қизи

**КАМОЛАХОНнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси кафедраси катта ўқитувчиси Дилдора Алимовага умр йўлдоши

**Саидамин ФАЙЗИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"ALLIANCE INSURANCE" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги суғурта ташкилоти жамоаси бош директор

**Элёр Мирзабой ўғли АБДУКАРИМБЕКнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали
МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.20
1 2 3 5